

Scientific reports of Bukhara State University

Volume 3
Issue 3 *BSU 2019 issue 3*

Article 4

7-26-2020

BAKHSI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES

Ilkhom Akhtamovich Kushaev
senior teacher of the department of music education, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>

 Part of the Arts and Humanities Commons

Recommended Citation

Kushaev, Ilkhom Akhtamovich (2020) "BAKHSI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES,"
Scientific reports of Bukhara State University. Vol. 3 : Iss. 3 , Article 4.
DOI: 10.52297/2181-1466/2019/3/3/4
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss3/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

Хулоса. Мақомотда фракталликни топиш учун аввало санъат соҳасида тадқиқ этилган фракталлик ҳақида эслаш лозим. Масалан, қадимдан “Иллиада” ва “Одиссея”ни Гомер эмас, балки ҳар хил муаллифлар ёзган деб келинган. Иллиадада 15693 қатор, Одиссеяда 12110 қатор шеър борки, бунча ҳажмдаги асарни бир одам ёза олмайди, деб келинарди. Улар эрамиздан олдинги III асрдан буён ўрганилиб келинади. Бу асарларни ҳар хил муаллифлар ёзган дегувчилар тарихда хоридзонтлар (иккига бўлувчилар) ва, аксинча, бу асарни бир муаллиф – Гомер ёзган, дегувчилар унитарлар деб ном олганлар. Қизиги, унитарлар қаторида Аристотель ҳам бўлган. Шу тариқа тарихда Гомер муаммоси деган бошқотирма пайдо бўлган. Фрактал тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, иккала асар – “Иллиада” ва “Одиссея”да бир хил ички мантиқ, бир хил ички композиция ва бир хил фрактал қисмлар мавжуд экан...

Бизнинг пиравард мақсад – миллӣ ўзбек мақомлари ва Шашмақомда ҳам фрактал аломатларини топиш ва шу аснода уларни фрактал қонуниятлар асосида тадқиқ этиш.

АДАБИЁТЛАР

1. **Mirziyoyev Sh.M.** “O’zbek milliy maqom san’atini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to’g’risida” qaror.Xalq so’zi.T.18-noyabr 2017-yil. - 1 b.
2. **Mandelbrot B.B.** The Fractal Geometry of Nature. San Francisco. Freeman.1982.
3. **Galiley G.** Probirnix del master. - M.: Nauka, 1987. - 272 b.
4. **Mandelbrot B.** Fraktali i teoriya iteratsiy. - M.: Mir, 1993. - 131 b.
5. **Rozenov E.K.** Zakon zolotogo secheniya v poezii i muzike. - M.: Muzika, 1982. - 119 b.
6. **Fitrat A.** O’zbek klassik musiqasi va uning tarixi. - T., 1993. - 57 b.
7. **Ibragimov O.** Fergano-tashkentskie makomi. Media-lend. - T., 2006. - 74 b.
8. **Rajabov I.** Maqomlar.San’at. - T., 2006. - 34b.
9. **Matyoqubov O.** Maqomot.Musiqa. - T., 2004. - 46b.
10. **Yunusov R.** Faxriddin Sodiqov.YuNESKO. - T., 2005. - 18b.
11. **Rajabiy Yu.** Muzika merosimizga bir nazar. - T.: G’afur G’ulom, 1978. - 5 b.
12. **Bonaventura D.F.** Putevoditel uma k Bogu./V kn.: Istorya estetiki. Pamyatniki mirovoy esteticheskoy misli. - T1.M.AX SSSR.1962. - S.285.
13. **Duadi A.** Mnojestvo Jyulia i mnojestvr Mandelbrota //V kn.:X.O. Paytgen, P.X.Rixter. Krasota fraktalov. - M.:MIR, 1993. - S.141-153.

УДК 78.071.2: 398.8 (575.1)

БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ МАКТАБЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЖРО ХУСУСИЯТЛАРИ**ШКОЛЫ ИСКУССТВА БАХШИ И ИХ ИСПОЛНИТЕЛЬСКИЕ ОСОБЕННОСТИ****BAKHSHI ART SCHOOLS AND THEIR PERFORMING FEATURES**

Қўшаев Илҳом Ахтамович

БухДУ мусиқа таълими кафедраси катта ўқитувчиси

Kushaev Ilkhom Akhtamovich

senior teacher of the department of music education, BSU

Таянч сўзлар: бахши, жирав, нома, дўмбира, дутор, қўбиз, достончи шоир, ёпиқ гуллиги куйлаш, очиқ овоздаги куйлаш, бахшичилик мактаблари, терма, ёзма достонлар.

Ключевые слова: бахши (исполнитель дастана), жирав, нома, думбира, дутар, кобиз, достончи шоир (сочинитель дастанов), гуллиги ижро (горловое пение), очиқ ижро (естественное пение), школы бахши, терма (небольшое сочинение в традиции дастана), письменные дастаны.

Key words: bakhshi (performer of dastan),jirav, noma, dumbira, dutor, kobiz, dostonchi shoir (composer of dastans), gulligi ijro (throat singing), ochik ijro (natural singing), bakhshi school, terma (short composition in the tradition of dastan), written dastans.

Мақолада бахшичилик санъати маҳаллий мактаблари, уларнинг ижро чилилари, достонларнинг ижро усуслари, репертуарлари, назарий асослари ҳамда уларнинг таълими масалалари ҳақида фикр юритилган. Ўтмишда достон ижро чилилиги

SAN'ATSHUNOSLIK

анъаналари таркибида ижронинг маълум ўзига хос жилолари билан бир-бираидан фарқ қиласидиган достончилик мактаблари вужудга келган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Булунгур, Қўрғон, Шаҳрисабз, Қамай, Шеробод, Хоразм ва бошқа достончилик мактаблари мавжуд.

В статье идёт речью региональных школах искусства бахши, об их исполнителях, традициях исполнения, о репертуаре, а также о современных вопросах обучения дастанов. Раньше в традициях эпического исполнения существовали школы эпической поэзии, которые отличались друг от друга некоторыми особенностями исполнения. В настоящее время в Узбекистане действуют Булунгурская, Курганская, Шахрисабзская, Камайская, Шерабадская, Хорезмская и другие школы поэзии.

The article deals with the art of bakhshi, a school that was formed, their performers, traditions of performance, repertoire, as well as contemporary issues of education of dastans. In the past, within the traditions of epic performance, there were schools of epic poetry, which differed from each other with certain peculiarities of performance. At present, there are Bulungur, Kurgan, Shakhrisabz, Kamay, Sherabad, Khorezm and other schools of epic poetry in Uzbekistan.

Кириш. Биз ўзида ҳам сўз санъати, ҳам созандалик, ҳам хонандаликни мужассам этган бахшичилик санъати билан ёшларимизни ошно қиласар эканмиз, уларда айрим достон ва терма намуналарини тинглаш орқали бу қадимий санъат ҳақида тасаввур пайдо қилиш, ундаги нома ва термаларни куйлаш ижросига хос бетакрор хусусиятларни англашни ўргатамиз.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига [1] асосан 2019 йил 6-10 апрел кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган улкан халқаро анжуман бахшилар санъати маҳсули бўлган терма ва достонларимизни халқаро даражага олиб чиқди десак янглишмаймиз.

Ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган Халқаро бахшичилик санъати анжуманлари ўлкамизда мавжуд бўлган бахшичилик мактаблари ва уларнинг ижро анъаналарини янги ижодий босқичда ривожлантириш билан бирга ўқувчи ёшларни бу юксак бадиий санъатга бўлган қизиқишиларини янада оширишга хизмат қиласиди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан Термизда ташкил этилган бахшичилик мактаби ижодий тажрибаларидан руҳланиб ватанимизнинг бошқа худудларида ҳам шундай мактаблар пайдо бўлиши мумкин. [3]

Асосий қисм. Биз анъанавий мусиқий мерос дарслари жараённада бўлажак мусиқа муаллимларига терма ва достонлар ҳақида маълумотлар бериш, айрим достон намуналарини тинглаш, таҳлил қилиш ва қисман куйлаш учун репертуар танлашда талабаларга очиқ овозда куйланадиган Хоразм достонларидан кўпроқ мисоллар танладик [4].

Хоразм достон номаларининг **парда тузилиши** масаласи Ю. Кон ва И. Акбаровлар “Ўзбек халқ музикаси” тўпламининг IX жилдига ёзган сўз бошида таҳлил қилинган. Уларнинг кузатишларича, Хоразм достон номаларининг лад асослари, яъни товушқатор ва куй ҳаракатларида 7 поганали диатоник ладга асосланган ионий (табиий мажор), эолий (табиий минор) ва кўп учрайдиган миксолидий ладлари билан бирга ўзбек мусиқасида кам учрайдиган, таркибида орттирилган секунда интервали бўлган товушқатор, таянч нуқтаси товушқатор ўртасида жойлашган гипофригий (ёки локрий) каби ладларнинг мавжудлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган лад асослари қонунияти белгилариdir.

Номалар **лад асосларини** ўрганишда аввало бахшиларнинг асрлар давомида асосий чолғуси бўлиб келган дутор парда тузилиши, сар парда ёки бош (беш) парда, Ширвон парда, Мискин парда, лол парда ва зоринжи парда, уларнинг куй тузилишидаги ўрни каби тушунчаларга эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Бу пардаларнинг (товушсиз лол пардасидан ташқари) ҳар биридан номалар бошланиб, улар мустақил тугал куйлар бўлишига қарамай, нома шеърий матнларига бўйсунади. Айрим номаларнинг Оврўпа мусиқасидаги модуляция ва оғишмага ўхшаб, бир товушқатор (тоналлик) пардасидан бошланиб, бошқасида тугаши ёки маълум бир пардадан

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

бошланиб, куй ўртасида бошка тоналликка оғиши ва куй охирида яна дастлабки асосий тоналликка қайтиб якунланиши ҳам кузатилади.

Достон куй номаларидаги бундай лад ўзгаришлари, мақомларга ўхшаб дорий-миксолидий, эолий-дорий, миксолидий-ионий каби құша ладларнинг пайдо бўлиши ва ёндош тоналликларга кўчишларнинг асосий сабаби тингловчилар диққатини доимий назоратда сақлаш учун достон ижроси қувватини ошириш, куй авжларининг жуда баландлашиб кетиб, ижрочини толиқтириб қўймаслиги ва тингловчиларни зериктириб қўядиган бир хиллик (якка тоналлик)ни олдини олиш бўлиши мумкин.

Достон номаларининг ҳажми ва товуш диапазони турлича бўлиб, улар беш пардадан бошланиб, бир ярим октава баъзан ундан ҳам кўпроқ диапазога эга бўлиши мумкин. Улар ички тузилиши ва шакли жиҳатидан ҳалқ қўшиқларига ўхшаш бўлиб, бу қўшиқларнинг юзага келишида куй тузилишининг **куплет** шакли асосий ўрин эгаллади. Номаларда шеър туроқларига куй бўлаги, шеър бандига куй банди, шеър тўртлигига куй даври мутаносиб - мос келиши шунингдек, чолғу муқаддима, қўшиқ “нақорати”нинг чолғуда тақрорланиши, якуний туширим ёки “сайқал” деб юритиладиган, кўпинча қўшиқ тоналгини ўзгартирувчи чолғу интихоси айтиш йўли ва унга чолғу жўрлигини чамбарчас боғлайди.

Ўзбек ҳалқ достончилиги анъаналарида **номаларни куйлаб айтиш услуги** асосан икки хил йўналишда шаклланган. Биринчиси Қашқадарё, Суҳондарё ва Самарқанд бахши-шоирларининг “ички овоз-гуллиги” услугида дўмбира жўрлигига айтиш шунингдек, жировларнинг қадимги бўғиқ-ёпиқ (гулиги) овозга асосланган худди шундай ички овозда қўбиз жўрлигидаги ижролари бўлса, иккинчиси Хоразм бахшиларининг эркин очиқ овоз билан дутор жўрлигига, Ширвоний услуги бахшилари эса, кейинги пайтларда тор, ғижжак, бўламон ва доира чолғулари ансамбли жўрлигига қўшиқ номалари ижросидир.

Ўтмишда достон ижрошлиги анъаналари таркибида ижронинг маълум ўзига хос жилолари билан бир-биридан фарқ қиласидиган достончилик мактаблари вужудга келган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Булунғур, Қўргон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод, Хоразм ва бошка достончилик мактаблари мавжуд. Самарқанд достончилик анъаналари асосан вилоят туманларида қарор топган бўлиб, улар Булунғур, Нурота (Қўргон) ва Нарпай достончилик мактабларини ўз ичига олади. Булунғур достончилик мактабида кўпинча “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Рустамхон”, “Гўрўғлиниң туғилиши”, “Жаҳонгир” “Ойсулув”, “Ҳасанхон”, “Чамбил қамали” каби қаҳрамонлик достонлари зўр маҳорат билан куйланган. Муҳаммад шоир, Султонмурод Суяр, Раҳим – булбул, Амин бахши, Чинни шоир, Товбузар шоир, Қурбонбек шоир, Йўлдош – булбул, Йўлдош шоир, Қўлдош Суяр, каби бахшилар бу мактабнинг ўтмишдаги йирик намояндаларирид. Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) бу мактабнинг сўнгги йирик вакилларидан эди.

Самарқандда яна бир машҳур мактаб Қўргон достончилиги деб аталади. Бу мактабда ҳам “Гўрўғли” каби қаҳрамонлик достонлари айтилган бўлса-да, бироқ, унда “Гулнор пари”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Ойсулув”, “Равшан”, “Далли” “Кунтуғмиш” каби ишқий – романтик достонлар нисбатан кўпроқ ижро этилган. Ёдгор, Лафас, Мулла Тош, Мулла Холмурод, Жуманбулбул, Бўрон бахши, Жассоқ бахши каби ўтмишда Қўргон достончилик мактабининг йирик вакиллари бўлган устоз бахшилар қаторида Султон кампир ва Тилла кампир исмли истеъдодли моҳир аёл бахшилар ҳам фаолият кўрсатганлар.

Қарийб 350 йиллик тарихга эга бўлган Қўргон достончилик мактаби ҳақида Эргаш Жуманбулбул ўғли асарларида бир мунча қимматли маълумотлар берилган. Унинг “Таржимаи ҳол” достонида “Мен эллик бир яшар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тошнинг ўғли, Мулла Тош Уста Лапаснинг ўғли, Уста Лапас Ёдгорнинг ўғли, ўзим ўзбек, туркман жамоасидан, ургим асли қора-қисса қозиоёқлигига қўшилади” деб ёзади. Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) қирқдан зиёд достонни, жумладан, “Гўрўғли” туркумига киравчи йигирмадан зиёд достонни куйлаган. Эргаш шоир ижро этган “Якка Аҳмад”, “Кунтуғмиш”, “Хушкелди”, “Холдорхон”, “Далли”, “Қундуз билан Юлдуз”, “Равшан”, “Алибек билан Болибек”, “Қизжибек”, “Ҳасанхон”, “Авазхон”, “Нурали”, “Алпомиш”, “Ошиқ Ғарип”, “Ойсулув” каби достонлар бадиий етуклиги билан ажralиб туради [6].

SAN'ATSHUNOSLIK

Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) ва Пўлкан шоирлар (1874-1941) бу мактабнинг сўнгги йирик намояндалари эди.

Нарпай достончилик мактабининг таниқли вакиллари Ражаб шоир ва унинг тарбиясида бўлган Ислом шоир, Нурмон Абдувой ўғли ва бошқа устоз бахшилар ҳам ўзбек эпоси ривожига маълум ҳисса қўшганлар. Бу мактабнинг йирик намояндалари кўпроқ “Орзигул”, “Соҳибқирон”, “Гулихирмон” каби достонларни зўр маҳорат билан ижро этганлар.

Шаҳрисабз достончилик мактаби XIX асрда вужудга келган. Унинг сўнгги йирик намояндаси Абдулла Нурали ўғли эди. Бу мактаб бахшилари достон куй – номаларини шўх, кувноқ, нисбатан тезроқ суръатда ва кўтаринки руҳда куйлаганлар.

Шеробод достончилик мактабига мансуб Умир Сафар ўғли, Шерназар Бекназар ўғли, Аҳмад бахши, Нурмурод бахши, Жўра Эшмирза ўғли, Нурали Боймат ўғли ва ушбу мактабнинг энг иқтидорли вакили Мардонакул Авлиёқул ўғли каби санъаткорлар ижодида ҳам Гўрўғли туркуми достонлари алоҳида ўрин тутади. Бу бахшилар репертуаридаги достонлар ўзининг соддалиги, матнининг ихчамлиги билан фарқланади. Бу мактаб вакиллари айниқса, “Нурали”, “Малла савдогар”, “Оллоназар Олчинбек”, “Олтин қабоқ”, “Санам Гавҳар” достонларини бадиий юксак даражада ижро этганлар.

Жанубий Тожикистоннинг Данғара тумани, Жорўб қишлоғида яшаб ўтган Ҳайбат Шамол ўғли, Тўла Ҳайбат ўғли, Мустафоқул Қундуз ўғли каби таниқли ўзбек бахшилари ҳам асосан “Гўрўғли” туркумидаги ва бошқа достонларни ўзига хос усулда ижро этиб, ўзбек достончилиги ривожигага маълум ҳисса қўшганлар. Улар репертуаридаги достонлар матни ниҳоятда ихчамлиги билан ажралиб туради.

Қорақалпоқ достончилиги одатдаги қадимий жировчилик ва кейинчалик шаклланган бахшичилик йўналишларида ривожланиб келмоқда. Жировлар қархамонлик ва баҳодирлик достонларини ўз ота-боболари анъаналрига риоя қилиб, қўбиз жўрлигига ички ёпиқ овозда куйлаб келмоқдалар. Бахшилар эса хоразм достончилик анъаналарига яқин бўлиб, очиқ овозда дуторда жўр бўлиб, “Гўрўғли” туркумидаги достонлар, “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам” каби лирик достонларни кўпроқ ижро этадилар. Машҳур қорақалпоқ жировлари Шанқай ёки Шанкет жиров (1814-1884), Жиямурат жиров (1836-1908), Нурабилла жиров (1862-1922), Ерполат жиров (1861-1938), Қурбанбай жиров (1876-1958), Тўра жиров (1879-1044), Отаниёз жиров (1883-1989), Оғиз жиров (1884-1954), Қиёс жиров (1903-1974) ва бошқалар ҳақида филолог профессор Қалли Айимбетовнинг “Қалқ даналиғи” китобида анчагина маълумотлар берилган. Шулар қаторида Оқмамбет бахши, Муса бахши, Эденбай бахши, Адилбай бахши, Ўринбай бахши, Жапақ (Жобборберген) бахши Шамуратов (1893-1970), Жуман бахши (1871-1949), Ибраим Патуллаев (1909-1967), Қиз бахши Ҳуриломон (1861-1949) каби машҳур бахшиларни ҳам эслаб ўтиш ўринлидир. [5]

Хуласа. Биз ўқувчи ёшларни достон намуналари, хусусан уларнинг мусиқий номалари билан таништириш, тинглаш орқали достонлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш, айрим номаларни куйлаш, ўрганиш ва ўзлаштиришларини янада яхшилаш мақсадида “Қайдин галдинг” (Баҳром ва Гуландом), “Фарзанд гаракдур йигита” (Гўрўғли), “Сабо келибсиз” (Гўзалхон), “Саёдхон боғдадур” (Саёдхон Ҳамро), “Қадрин на билсин” Гўрўғли), “Бобоҷон” (Алпомиш), “Оғажон кайга борурсан”, “Болам ўхшайди овозинг сени”, “Ёрнинг гули галди, ўзи галмади”, “Озод қил”, “Боғ сайлина галади”, “Душдимда галдим”, “Найлайин” (Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам) каби бирқанча достонлардан номалар танлаб, уларнинг ўқувчи ёшлар дидига яқинлиги, тинглаб идрок этиш имкониятлари, достон номалари таъсиридаги психик кечинмалар, достон мусиқасининг бошқа мусиқий жанрлардан фарқли, ўзига хос бетакрор хусусиятларини англаб олиш ва достон оҳангларини эшитганда, уларни таниб, достон ёки нома эканлигини айта олишларига ҳаракат қилдик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 6 апрель куни Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали очилишига бағишлиланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида [2] айтганидек, “Агар биз бу ноёб санъатни сақлаб қолиш учун бугун барчамиз биргаликда ҳаракат қилмасак, эртага, афсуски, кеч бўлади, келгуси авлодлар, тарих бизни кечирмайди”.

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI 2019/3 (75)

АДАБИЁТЛАР

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Xalqaro baxshichilik san'ati festivalini o'tkazish to'g'risida»gi 2018 yil 1 noyabrdagi PQ-3990-son qarori.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning 2019 yil 6 aprel kuni Termiz shahrida o'tkazilgan Xalqaro baxshichilik san'ati festivali ochilishiga bag'ishlangan tantanalı marosimdagı nutqi //“Toshkent oqshomi” gazetasi, 2019 yil 8 aprel, 56-son.
3. Dunyo baxshilari navolari Amudaryo uzra taralmoqda.”Toshkent oqshomi” gazetasi, 2019 yil 8 aprel, 56-son.
4. Musiqiy pedagogik ta'lilda dostonning o'rni. - San'at yo'nalishlarida yoshlarni ma'naviy tarbiyalash: izlanish, yechim va istiqbollari. Mavzuidagi Respublika konferentsiyasi. - Buxoro. 2013. - B. 138-140.
5. **Matyoqubov B.** Boston navolari. Toshkent, 2009.
6. Qo'rg'on dostonchilik maktabi: an'ana davom etmo?da <<http://marifat.uz/marifat/ruknlar/manaviyat/1649.htm>>. Ma'rifat gazetasi: Ma'naviyat, maktabdan tashqari ta'lim 11/09/2018.